

## ИЧКИ ТУРИЗМ ТИЗИМЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ҲАМ БОШҚАРУВНИНГ АНЪНАВИЙ ШАКЛИ

Назарова Барно Усарбайовна  
Андижон машинасозлик институти  
Мустақил тадқиқотчиси  
Barmonazarova03@gmail.com,  
tel: +998902170140

Жаҳонда глобал ўзгаришлар тенденциялари пандемия шароитигача бўлган даврда дунё мамлакатларида туризм соҳасининг ялпи ички маҳсулот таркибидаги ўсиш суръати сезиларли даражада ортиб бораётганлигини кўрсатди. Инсонларнинг жисмоний ва ақлий тикланиши билан боғлиқ кўплаб омиллар мамлакатлар даражасида туризм фаолиятини кенгайтириш ҳамда уни бошқариш жараёнларини такомиллаштириш орқали иқтисодий тараққиётни таъминлаш учун зарурӣ шарт-шароитни кенгайтиromoқда.

Хозирги даврда кириш туризмидаги йўқотишларни ички туризм фаолиятини ривожлантириш орқали камайтириш, соҳанинг ялпи ички маҳсулот ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи хизматлар ҳажмидаги улушкини ошириш, ҳудудларда аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш ҳамда соҳа корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иктисодий механизmlарини такомиллаштириш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан ички туризм фаолиятига ихтисослашган корхоналардаги горизонтал ва вертикал бошқарув тузилмаларини кенгайтириш, хизматлардан фойдаланишни рақамли тизимлар асосида қулайлаштириш, ички туризм фаолияти тузилмаларида бошқарув механизmlарини такомиллаштириш йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бориш устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг шаклланиши жаҳон туризм соҳасидаги кескин ўзгаришлар босқичига тўғри келди. Сўнгги 30 йил ичida дунё миқёсида туризм соҳаси глобал ва миллий иқтисодиётларнинг муҳим соҳаларидан бирига айланди. Туризм соҳаси миллионлаб ишчи кучини иш ўринлари билан таъминлаб, улар касб маҳорати ва малакасининг ортишига имконият яратиб бермоқда. Сўнгги йиллардаги маълумотлар таҳлили туризм соҳасида аҳолининг иш билан таъминланиш ҳолати бошқа соҳаларга қараганда тез ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Ички ва халқаро туризм ривожланиши тартибсиз равища содир бўлмайди. Бу бошқарилиши лозим бўлган инсон фаолиятининг маҳсус шаклидир. Туризм соҳасида бошқарув жараёнларининг ривожланишига ижтимоий-иктисодий, техник ва технологик омиллар таъсир кўрсатади. Миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳалари томонидан

йўналтириладиган даромадларсиз соҳанинг кенг кўламдаги фаолиятига эришиб бўлмайди, шу нуқтаи назардан ушбу жараённинг бошқарилиш воситаси ҳам мавжуд бўлмайди.

Бошқарув жараёнлари бўйича туристик ташкилотлар олдига иккита ўзаро боғлиқ муҳим вазифа қўйилади:

- туризм бошқарувига бозор муносабатлари мазмунини сингдириш, яъни бозор муносабатларини соҳа амалиётига тўлиқ киритиш;
- жаҳонда шу йўналишда юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда туризм соҳасидаги янгиликларини шароитга мослаштириш.

Бугунги тараққиёт жараёнида иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бирига айланиб бораётган туризм соҳаси, жумладан, соҳанинг ички туризм йўналиши ҳам миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳалари билан чукур алоқадаги тизим ҳисобланади.

Ички туризм тизимлари ва корхоналари фаолиятида ҳам бошқарувнинг анъанавий шаклида қўрсатиб ўтилган бошқарув қонунлари ва тамойилларига амал қиласди, ички туризм фаолияти билан шуғулланувчи тузилмалари ҳам умумий белгиланган бошқарув мақсадлари, функциялари ва вазифалари доирасида фаолият қўрсатади. Бироқ, ички туризм фаолиятини бошқариш жараёнлари иқтисодиётнинг бошқа тизим ва корхоналаридан фарқланувчи ўзига хос жиҳатларга ҳам эгадир. Ички туризм фаолиятида ҳам туризмнинг бошқа йўналишлари каби менежментнинг асосий вазифаси умумий тенденция ва унинг ривожланиш қонуниятларини аниқлаш ҳамда ўзига хос томонларини топишдан иборат.


Ички туризм фаолиятини бошқариш жараёнларида менежментнинг қонунлари (ихтисослаштириш, интеграция, марказлаштириш, демократлаштириш ҳамда вақт қонунлари), шу билан бирга бошқарув тамойиллари (яккабошчилик ва коллегиаллик, илмийлик, режалилик, бошқарув шакл ва усуларини такомиллаштириб бориш, кадрлар танлаш ва жойлаштириш, агентларнинг мустақиллиги ва эркинлиги, шахсий ташаббус ҳамда жавобгарлик ва таваккалчилик) умумий ҳолда амал қилиб, улар бошқа тармоқлардаги ҳолатдан соҳадаги фаолиятни ташкил этишдаги хусусиятлардан келиб чиқиб фарқланади.

Ички туризм соҳасидаги фаолиятини бошқариш жараёнида ҳам маркетинг, режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, рағбатлантириш, ҳисоб ва назорат функциялари каби умумий функциялар билан биргаликда асосий фаолиятни бошқариш, қўшимча хизматларни бошқариш, хизмат сифатини бошқариш ҳамда меҳнат ва иш ҳақини бошқариш каби аниқ функциялар бажарилиши таъминланади.

Ички туризм соҳасида фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг бошқариш тузилмаси деганда барқарор муносабатларда бўлган, уларнинг ишлаши ва ривожланишини таъминлайдиган ўзаро боғлиқ элементлар тўплами тушунилади. Бошқарувнинг ташкилий тузилмаси корхонанинг алоҳида қўйи тизимларининг таркиби, нисбати, жойлашуви ва муносабатларидан иборат. Бундай тузилмани яратиш, биринчи навбатда, корхонанинг алоҳида бўлинмалари ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларни тақсимлашга қаратилади.

Бошқарувнинг ташкилий тузилиши доирасида бошқарув жараёни содир бўлади, унинг иштирокчилари орасида бошқарувнинг функциялари ва вазифалари тақсимланади. Шу нуқтаи назардан, ташкилий тузилма – бу корхонанинг мақсадларига эришишга қаратилган бошқарув жараёни содир бўладиган бошқарув фаолиятининг бўлиниши ва ҳамкорлиги шаклидир. Бошқарув тузилмаси турли хил алоқалар ўртасида тақсимланган барча мақсадларни ўз ичига олади, улар орасидаги алоқалар уларнинг бажарилишини мувофиқлаштиришни таъминлайди.

Бошқарув бўлинмаларига ташкилий жиҳатдан алоҳида таркибий бўлинмалар, шунингдек маълум бошқарув функцияларини бажарадиган алоҳида мутахассислар ёки уларнинг бир қисми (масалан, бир нечта таркибий бўлинмалар фаолиятини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи менежерлар) киради. Бошқарув даражаси деганда корхонани бошқариш тизимида маълум босқични эгаллайдиган бошқарув алоқалари мажмуи тушунилади (1-расм).



**1-расм. Туристик корхоналарда бошқариш даражалари**

Бошқарув даражалари ўртасидаги алоқалар вертикал боғлиқ ва кетма-кет бўйсуниш аниқ ифодаланган характерга эга, яъни юқори бошқарув даражасидаги менежерлар аниқ ва қуи даражаларга олиб чиқилган қарорларни қабул қиласидилар.

### **1-жадвал** **Туристик корхоналарда қўлланиувчи бошқарув тузилмалари** **турларининг қиёсий таҳлили**

Таққослаш белгилари	Бошқарув тузилмалари турлари	
	Иерархик	Адаптив
Курилиш асоси бўйича	Аниқ белгиланган иерархия	Иерархиянинг мавжуд эмаслиги

Бошқарув турига кўра	Моноцентрик, доимий	Полицентрик, вазиятга қараб раҳбар алмашинуви
Алоқаларнинг устун турлари	Вертикал	Горизонтал
Муносабатларнинг шаклланишига кўра	Аниқ белгиланган хукуқ ва мажбуриятлар	Меъёр ва қадриятларнинг ўзгарувчан тизими
Мехнатни ташкил этиш бўйича	Вазифаларнинг катъий таксимланиши	Вазифаларнинг гурухларга вақтинча биритирилиши
Кутилган натижаларга эришиш бўйича	Самарали лойиҳаланган асос	Ходимлар ташаббуси ва ўз-ўзини бошқариш

Бугунги кунда туристик корхоналарда фаолият йўналиши ва корхонанинг ҳажмидан келиб чиқсан ҳолда иерархик (чизиқли, функционал, чизиқли-функционал ва бўлинмали) ва адаптив (мослашувчан) бошқарув тузилмалари турларидан кенг фойдаланилади (1-жадвал).

Бошқарувнинг чизиқли алоқалари бошқарув қарорлари ва маълумотларнинг чизиқли ҳаракатини акс эттиради. Бу энг содда бошқарув тузилмаларидан бири бўлиб, у хар бир таркибий бўлинманинг бошида катта ваколатларга эга ва барча бошқарув функцияларини бажарадиган бошқарув бўгини борлиги билан тавсифланади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, туризм хизматлари бозорида ички туризм хизматларининг ривожланиши мавжуд салоҳиятни умумлаштириш асосида соҳа учун қисқа муддатларда янги туристик обьектларни шакллантириш ва ушбу обьектларни янги даражага олиб чиқиш имконини кенгайтиради.

### Фойдаланилган адабиётлар

- Шарифхўжаев М., Абдулаев Ё. Менежмент: Дарслик. — Тошкент, “Ўқитувчи”, 2001 й. –75-77-66.
- Чудновский А.Д., Королев Н.В., Гаврилова Е.А., Жукова М.А., Зайцева Н.А.. Менеджмент туризма : учебник. – М. : Федеральное агентство по туризму, 2014. – 209 с.